



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil "26" mart

Қ-235 -son

Termiz sh.

**Қумқўрғон туманидаги Н.Мирзаев СИУ худудида фаолият юритаётган "Yangi Avlod Erambog'i" фермер хўжалигига энгил конструкцияли "Иссиқхона" қуриш учун рухсат бериш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 5,87-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 23 февралдаги 05-02/135-сон йиғилиш баёни, Қумқўрғон тумани ҳокимининг 2020 йил 4 ноябрдаги 263/01-36-сон хатини инобатга олиб,

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. Қумқўрғон туманидаги Н.Мирзаев СИУ худудида фаолият юритаётган "Yangi Avlod Erambog'i" фермер хўжалиги ихтиёридаги қишлоқ хўжалик харитасининг 488қ-дала контуридаги 1,0 гектар яйлов ер майдонига энгил конструкцияли иссиқхона қуриш учун вақтинча (10 йил муддатга) фойдаланиш ҳуқуқи билан рухсат берилсин.

2. "Yangi Avlod Erambog'i" фермер хўжалиги бошлиғи С.Абдуназаровга: иссиқхона учун рухсат берилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона қуриш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;

мақсадсиз фойдаланилганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида рухсат берилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га рухсат берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасига ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси

чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов